

КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОГЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БҮЙИЧА ЎТКАЗИЛАДИГАН ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Машарипов Тахир Эгамбердиевич

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Тезкор-қидириув фаолияти кафедраси катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7308459>

Аннотация. Мақолада коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишига қаратилган чора-тадбирларига багишланган. Коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиши бүйича ўтказиладиган тезкор-қидириув тадбирларини ташкил этишининг ҳуқуқий жиҳатлари ёритилган. Коррупцияга қарши курашии соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг долзарб масаларига эътибор қаратилган.

Калим сўзлар: коррупция, жиноят, олдини олиши, тезкор-қидириув тадбирлар, чора-тадбирлар.

ОРГАНИЗАЦИЯ БЫСТРОГО ПОИСКА ДЛЯ ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С КОРРУПЦИЕЙ

Аннотация. В статье рассматриваются меры, направленные на пресечение преступлений, связанных с коррупцией. В ней раскрыты правовые аспекты организации оперативно-розыскной деятельности по предупреждению преступлений, связанных с коррупцией. Акцентировано внимание на актуальных вопросах государственной политики Республики Узбекистан в сфере противодействия коррупции.

Ключевые слова: коррупция, преступление, пресечение, оперативно-розыскные мероприятия, меры.

ORGANIZING A QUICK SEARCH TO PREVENT CRIMES RELATED TO CORRUPTION

Abstract. The article examines measures aimed at suppressing crimes of corruption. It reveals the legal aspects of the organisation of operational and investigative activities to prevent crimes of corruption. Attention is drawn to the topical issues of public policy of the Republic of Uzbekistan in combating corruption.

Keywords: corruption, crime, suppression, operative and search measures, measures.

КИРИШ

Коррупция билан боғлиқ жиноятларни олдини олишда тезкор-қидириув тадбирларни ташкил этиш деб, биз тезкор-қидириув фаолияти тезкор-қидириув профилактикасини назарда тутамиз. Тезкор-қидириув профилактикаси – бу тезкор-қидириув фаолиятини олиб борилиши ва қўлланилиши давомида қонунда қўрсатилган мавжуд куч ва воситалари ёрдамида тезкор-қидириув тадбирларни амалга ошириш деб тушунамиз. Мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган коррупция билан боғлиқ жиноятлар латентлиги юкори даражада бўлганлиги учун, уларни олдини олишда ноошкора тадбирларни режалаштириш ва ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бундай тадбирларни ташкил этишда “Тезкор-қидириув фаолияти тўғрисида”ги қонуни билан белгиланган тезкор-қидириув тадбирларни, айниқса, қўмаклашувчи шахсларни тезкор ишловга киритиш, қонунда белгиланган тезкор эксперимент, никобланган операциялар, телефон ва бошқа алоқа узатиш мосламалари орқали сўзлашувларни эшитиш каби тезкор-қидириув тадбирлари ва ҳоказо тадбирларни ўз ичига қамраб олади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Жиноят содир бўлиши учун сабаблар жамиятда мавжуд бўлган салбий ҳолатлар ва муайян камчиликлар натижасида пайдо бўлади. Муайян сабаблар қаторига иқтисодий муаммоларни ҳал қилишдаги нотўғри ҳисоб-китоб ва камчиликларни, тарбиявий ишлардаги камчиликлар ҳамда бошқаларни киритиш мумкин.

Бугунги кунда мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган коррупция муаммосига дунёнинг деярли ҳар бир мамлакатида дуч келиш мумкин. Аммо бу коррупция ҳамма мамлакатларда бир хил деган маънони англатмайди. Коррупциянинг вужудга келиш сабаблари турли мамлакатларда ҳар хил бўлиб, тарихий босқич ва ижтимоий-иктисодий тараққиёт даражаси билан белгиланади. Шу боис коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам беришнинг универсал маъмурий-хукуқий воситаларини ишлаб чиқиши деярли мумкин эмас .

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати давлат дастурлари ва бошқа дастурлар асосида амалга оширилиши мумкин.

Давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ушбу Қонуннинг қоидалари самарали ижро этилишини таъминлаш, коррупциянинг ҳолати ҳамда тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича комплекс ва тизимли чора-тадбирлар кўриш мақсадида ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади .

Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга қаратилган тезкор-профилактик тадбирлар қўйидагилардан иборат:

- давлат органлари фаолиятининг очиқлигини ва уларнинг ҳисобдорлигини таъминлаш, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг ва бошқа ходимларнинг ўз зиммасига юқлатилган вазифаларни бажариши юзасидан масъулиятни кучайтириш;

- коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органларининг фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

- давлат органларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажарилиши самарадорлиги мезонларини, стандартларини ва унинг сифатини баҳолаш тизимларини жорий этиш;

- давлат органлари ходимларининг касбий ҳамда хизматдан ташкари фаолиятидаги одоб-аҳлоқининг ягона принциплари ва қоидаларини белгиловчи одоб-аҳлоқ қоидаларини самарали амалга ошириш;

- давлат органлари ходимлари манфаатларининг тўқнашувини ҳал қилишнинг ташкилий-хукуқий асосларини такомиллаштириш, уларга риоя этилиши юзасидан мониторинг ўтказилишини таъминлаш;

- давлат органлари ходимларининг ҳукуқий мақомини белгилаш, хизматни ўташнинг шаффоғ тартибини ўрнатиш, шахсий ва касбий сифатлар, очиқлик, беғаразлик, адолатлилик ва холислик принциплари асосида танлов бўйича саралаш ҳамда хизматда кўтарилиш тизимини жорий этиш;

- давлат органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига риоя этилиши, мурожаатнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши улар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳукуқлари, эркинликларини тиклаш ҳамда қонуний манфаатларини

химоя қилиш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўрилиши устидан назоратни таъминлаш;

– давлат органлари фаолиятида коррупциянинг олдини олишга доир тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан ушбу органлар томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаган ҳолда мунтазам равишда мониторинг ўтказиш;

– норматив-хукукий хужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ташкил этиш;

– давлат органлари мансабдор шахслари ва бошқа ходимларнинг самарали ижтимоий ҳимоя қилинишини, моддий таъминот олишини ва рағбатлантирилишини таъминлаш .

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Давлат органлари ва ўзга ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда бошқа ходимлари қонун хужжатларига риоя этиши, ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, холисона, вижданан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид бирор-бир хукуқбузарликларни содир этишдан ёки бундай хукуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт .

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947-сонли Президент Фармонида, Ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган, аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, аҳолининг ижтимоий ҳимояси ва соғлигини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, арzon уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштирилиши режалаштирилганлиги сабабли қонунга мувофиқ ижтимоий-иктисодий ривожланиш ва тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олиш бўйича қўйидаги тезкор-профилактик тадбирларни амалга оширилиши лозим бўлади:

– маъмурий ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, рўйхатга олиш, рухсат этиш ва лицензияга доир тартиб-таомилларни соддалаштириш ҳамда уларнинг тезкорлигини ошириш;

– давлат органларининг назорат-текширув вазифаларини мақбуллаштириш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш тизимини такомиллаштириш, уларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишида аралashiшга йўл қўймаслик;

– давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг масофавий шаклларини жорий этиш;

– тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун тенг шарт-шароитлар яратиш ва инсофсиз рақобатга йўл қўймаслик;

– давлат харидларининг самарали хукукий механизмларини жорий этиш, давлат харидларини жойлаштиришда ошкоралик, шаффофоникни таъминлаш ҳамда рақобат мухитини қўллаб-қувватлаш;

– таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ва ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг бошқа соҳаларида аҳоли учун

адолатли шарт-шароитларни ҳамда тенг имкониятларни яратиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик;

– нодавлат ташкилотларда коррупцияга қарши курашишнинг самарали механизмларини жорий этиши.

Давлат органларининг ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги керак.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, давлат органларининг ходимлари ўзининг бевосита раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумот олган раҳбар ушбу тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кириши шарт .

Давлат органларининг махсус бўлинмалари ёки одоб комиссиялари манфаатлар тўқнашувини хал этиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга оширади.

Давлат органларининг манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ёки уни бартараф этиш талаблари бузилишига йўл қўйган ходимлари, шунингдек уларнинг раҳбарлари қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади .

Коррупциявий жиноятлар мансабдор шахсларнинг фаолияти билан бевосита боғлиқлиги туфайли, мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган коррупция жиноятларига қарши курашда қонунда кўрсатилган очиқлик ва шаффофлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланиб маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир тезкор-профилактик тадбирлар қўйидагилардан иборат:

– қонунийлик ва адолатлилик принципларини таъминлаш, маъмурий-бошқарув жараёнининг беғаразлиги кафолатларини яратиш, ушбу жараённинг шаффофлигини, ташқи ва ички назорат учун очиқлигини ошириш;

– ўз ихтиёрича ҳаракат қилиш ваколатларини чеклаган ҳолда маъмурий тартиб-таомилларни батафсил тартибга солиш, бюрократик расмиятчиликка йўл қўймаслик;

– соддалаштирилган маъмурий тартиб-таомилларни жорий этиш;

– давлат органларинининг қарорлари устидан шикоят қилишнинг ва етказилган зарар ўрнини қоплашнинг самарали механизмларини белгилаш.

Ҳеч қандай шак-шубҳа йўқки, коррупцияга қарши курашишда асосий давлат органи, бу Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳисобланади. Уларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари қўйидагилар:

– коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш;

– коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, суриштирувни ва дастлабки терговни амалга оширади;

– коррупциянинг ҳолати ва коррупцияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги ахборотни йиғади ҳамда таҳлил қиласи, тегишли давлат органларига зарур ахборотни тақдим этади;

– жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир мурожаатларини қўриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини қўради;

– аҳоли ўртасида жамиятда хуқуқий онгни, хуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган хуқуқий тарғиботга доир фаолиятда иштирок этади;

– коррупцияга оид хуқуқбузарликлар тўғрисидаги статистика маълумотларининг ҳисоби юритилиши ва таҳлил қилинишини таъминлайди;

– коррупцияга оид хуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олиниши, аниқланиши ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

– коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди;

– коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Коррупцияни олдини олишда ички ишлар органларининг вазифалари:

– ижтимоий хавфли ҳолатда бўлган шахсларни аниқлаш бўйича фаолиятни амалга оширади ва ушбу тоифадаги шахсларга нисбатан якка тартибдаги профилактикани олиб боради;

– жазони ижро этиш муассасаларида озодликдан маҳрум этилган шахслар билан профилактик ишларни олиб боради;

– коррупция билан боғлиқ хуқуқбузарликлар, уларни содир этишга мойил шахслар ва жабрланганларнинг доимий ҳисобини амалга оширади ва статистик маълумотларини таҳлил қиласди;

– коррупция билан боғлиқ хуқуқбузарликлар содир этишга мойил шахсларнинг профилактик ҳисобини юритади;

– коррупция билан боғлиқ хуқуқбузарликлар содир этилиши сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни аниқлайди ҳамда бартараф этади;

– коррупция билан боғлиқ хуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

– коррупция билан боғлиқ хуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари ва жамоатчилик билан ҳамкорликни амалга оширади;

– коррупция билан боғлиқ хуқуқбузарликлар содир этилиши сабаблари ҳамда бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тегишли органлар (ташкилотлар)га, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, нодавлат нотижорат ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга тақдимномалар киритади;

– Ички ишлар вазирлигининг таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлашнинг сифатини оширишга қаратилган коррупция билан боғлиқ хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги таълимнинг замонавий усуллари ва технологияларини қўлланилишини таъминлайди;

– хорижий тажрибани ўрганиш асосида коррупция билан боғлиқ хуқуқбузарликлар профилактикасида илғор шакл ва усулларни қўллайди;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади .

Коррупция билан боғлиқ жиноятларни олдини олишни ташкил этишнинг тезкор-қидирув профилактикаси:

– коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг профилактикаси бўйича тезкор-текширув йиғмажилдлари доирасида комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– хукуқий тарғибот;

– коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш;

– коррупция билан боғлиқ жиноятлар профилактикаси, уларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни ўрганиш.

Шундай қилиб, қуйидаги хulosаларга келиш мумкин:

биринчидан, коррупцияни вужудга келтирувчи муаммолар ва шарт-шароитларни ўрганиб, уларни бартараф этиш йўли билан коррупцияни камайтириш ва маълум маънода чеклаш мумкин;

иккинчидан, коррупцияга қарши барча йўналишларда қатъий кураш олиб бориб, янги меъёрий хужжатлар ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

учинчидан, ҳар қандай катта-кичик содир этилган жиноятлар албатта фош этилиши ва айборларга нисбатан тегишли жазо муқаррарлигини тўлиқ таъминлаш;

тўртинчидан, коррупциянинг салбий оқибатлари тўғрисида оммавий ахборот воситаларида кенгроқ ёритиб, профилактика ишларини мунтазам олиб бориш.

Коррупциявий жиноятлар содир этишини қийинлаштирувчи чораларга қуйидагиларни киритиши мумкин: а) ходимларни ишга қабул қилишда батафсил текшириш тизимини жорий этиш; б) етарли ва асосли синов муддати белгилаш; в) илмий асосланган чеклов ва тақиқлар жорий этиш; г) кассб ахлоқининг даражасини кўтариш; д) мансабдор шахслар харакатлари тартиб-қоидаларининг ёзиб қўйилишини жорий этиш; е) мансабдор шахс суиистеъмол қилиши мумкин бўлган ваколатлар доирасини чеклаш; ё) фаолиятда очиқ ва ошкораликнинг сўзсиз таъминланишига эришиш; ж) керакли қарорларнинг очиқ ва ошкора қабул қилинишини таъминлаш; з) криминологик аҳамиятга эга бўлган ва мустақил қабул қилинадиган қарорларнинг назорат остида бўлишига эришиш; и) давлат хизматчиларининг ҳисобот бериб туришини жорий этиш; й) уларнинг ахлоқ кодексини қабул қилиш; к) мансабдор шахсларнинг доимий иш жойини ўзгартириб туриш; л) уларнинг моддий манфаатдорлик бўлган тадбирларда иштирок этишини чеклаш; м) давлат хизматидан бўшатилгунича унинг назоратида бўлган соҳада хусусий фаолият билан шуғулланишини вақтинча тақиқлаш; н) собиқ мансабдор шахсга ўз идорасида шахсий манфаатларини ҳимоя қилишни тақиқлаш; л) ёлғон айблар қурбони бўлган хизматчиларни қўллаб-қувватлаш ва ҳ.к.

МУХОКАМА

Коррупциявий жиноятлар содир этишнинг хатарли бўлишини таъминловчи чораларга қуйидагилар киради: 1) оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ва ошкоралигини таъминлаш; 2) режали равища ва кутилмаганда аудиторлик текширувлари ҳамда тафтишлар ўтказиш; 3) мансабдор шахс ва унинг яқинларининг мулкий аҳволини мажбурий текшириладиган қилиб қўйиш; 4) мансабдор шахсларнинг қабул қилган қарорлари учун масъулиятни кучайтириш; 5) идоравий хавфсизлик хизматини ташкил этиш; 6)ички телевидение тизимини ўрнатиш; 7) қимматбаҳо совғалар қабул қилишни тақиқлаш ва улар ҳақида ҳисобот берилишини жорий этиш; 8) коррупция фактларини фош этувчи маълумотлар берган ходимларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш; 9)

коррупцияда айбдор бўлганларнинг мажбурий экстрадиция қилинишини халқаро миқёсда таъминлаш ва ҳ.к.

Коррупциявий фаолиятдан келадиган фойдани камайтиришга қаратилган чораларга куйидагиларни киритиш мумкин:

- давлат хизматчилари учун меҳнатга адолатли ҳақ тўлаш ва бошқа ижтимоий манфаатдорлик тизимини жорий этиш;
- ҳалолликни рағбатлантириш;
- коррупцияга қарши қоидаларни бузганлик учун мансабдан бўшатишнинг мажбурийлигини йўлга қўйиш;
- мансаб бўйича иммунитетни бекор қилиш;
- мансаб ва лавозим бўйича ўсишга адолатли ва барча учун бир хил шарт-шароит ҳамда имкон бериш;
- нафақага чиқиш учун муносиб шароит яратиш ва ш.к.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг тезкор ходимлари томонидан коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишда тизимли равиша тезкор-қидирув тадбирлари амалга оширилганда, мазкур турдаги жиноятлар барвақт олди олиниб, жамиятишимизда адолат, тенглик ва шаффофлик таъминланишига эришилиб, фуқароларимиз давлат органларининг ходимларидан доимо рози бўлишади.

REFERENCES

1. Рахимхўжаев Р.Н. Тезкор-қидирув тадбирларининг таснифи, уларни ўтказиш асослари ва шартлари: Ўқув қўлланма / Масъул мухаррир А.А. Хамдамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – Б. 35.;
2. Helping Countries Combat Corruption. 1997, Poverty Reduction and Economic Management Report World Bank. – NY.: World Bank, 1997. – 69 p.;
3. Тезкор-қидирув фаолияти. Махсус қисм: Дарслик / Ў.Х. Мухамедов, А.А.Хамдамов, Ф.А.Базаров ва бошқ.; Масъул мухаррир: юридик фанлар доктори, профессор А.А. Хамдамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – Б.264-265.;
4. Мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш бўйича тезкор-қидирув фаолиятини ташкил этиш: Ўқув қўлланма / А. А. Хамдамов, Н. Н. Бекмуродов, О. Р. Карабаев ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – Б.26-28.;
5. Anti-Corruption Program of Sayenko Kharenko Attorneys' Office. – approved by the Order of the Director of "Sayenko Kharenko" Attorneys' Office No 2O dated 2 July 2018 / [Electronic resource]. – Access mode: URL: <https://sk.ua/anti-corruption-program/> (date of reference: 02.11.2022);
6. Ch. Demmke, M. Paulini, J. Autio Niemi, F. Lenner. 2022. The Effectiveness of Conflict-of-Interest Policies in the EU-Member States.;
7. Managing Conflict of Interest in the Public Service. 2003. OECD Guidelines and Overview. – Fr.: OECD Publications Service, 2003. – 249 p.;
8. Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ва натижаларидан фойдаланиш: Ўқув қўлланма / Масъул мухаррир А.А. Хамдамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Академияси, 2021. – Б. 45.;

9. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш түғрисида”ги 419-сон Қонуни.